

ҚАДИМГИ ШАРҚ ВА АНТИК ДАВР ФАЛСАФАСИНИНГ ЎЗАРО ФАРҚ ҚИЛУВЧИ ВА ЎХШАШ ЖИҲАТЛАРИ

Жамшид Шодиёрович Элмуротов

Тошкент архитектура-қурилиш университети PhD, доц.

jamshidbek82@gmail.com

Чарос Азаматовна Азимова

Тошкент архитектура-қурилиш университети катта ўқитувчisi

charosrose@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада антик давр – кенг маънода қадимги давр фалсафаси ва маданиятини англатувчи тушунча эканлиги алоҳида келтириб ўтилади. Том маънода Юноистон ва Қадимги Рим тарихи ва маданиятининг эллинизм даврини англишиши ва нисбий маънода Ўрта Осиё тарихининг мил. авв. III – мил. IV асрлариға нисбатан ҳам ишлатиши борасида сўз боради.

Калит сўзлар: космология, упанишада, етуклик, уйғунлик, социал муҳит, брахмон, миф, эҳтирос, қўрқинч, уят, муҳаббат, нафрат, эзгулик, гўзаллик, рух, тафаккур.

ABSTRACT

The article specifically mentions that antiquity is a concept that means the philosophy and culture of ancient times in a broad sense. In the literal sense, it means the Hellenistic period of the history and culture of Greece and Ancient Rome, and in a relative sense, the history of Central Asia. avv. III - mill. It is also mentioned about its use in relation to the IV centuries.

Keywords: cosmology, upanishada, maturity, harmony, social environment, brahmin, myth, passion, fear, shame, love, hate, goodness, beauty, soul, thought

КИРИШ

Фалсафа тарихидан маълумки, барча юонон файласуфлари ва мутафакирлари азалдан Шарқ маданиятидан баҳра олиб келганлар ва аксинча, Шарқ мутафакирларининг кўпчилиги ислом таълимотини фалсафий асослашда олдинги динлар ва таълимотларнинг ғояларини ўрганиб, улардан таъсирланганлар. “Ҳикмат илми Мисрда шаклланган, фалсафаси - Ҳиндистонда, амалиёти - Марказий

Осиёда” деган қарашларда ҳам асос бор деб ҳисоблаймиз. Биринчи фалсафа кишилик фалсафий маданияти тарихининг биринчи босқичида мифологиявий дунёқараш билан узвийликда бўлиб, у антик даврдан анча олдин, қадимги Шарқда, яъни Қадимги Миср, Бобил, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Хитойда бошланган ва бу дунёқараш ўз предметиниг глобаллиги, билимнинг синкетивлиги ва структурасининг монолитлиги ва мутлақо сирли (мистик) характеристери билан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қадимий Миср ривоятларида келтирилишича, одамни Энки ва Нинмоҳ денгиз тубидаги лойдан яратган; илк одамлар майсалар, ўсимликларга ўхшаб ер тагидан ўсиб чиқкан. Яна бошқа бир ривоятда Энлил чопик қилаётганида ер, тупроқ тагидан одамлар чиқиб келгани қайд этилади. Шунга ўхшаш мифларни Қадимги Хитой ва Қадимги Ҳиндистон халқ оғзаки ижодида ҳам учратамиз. Қадимги Хитой афсоналарида оламни яратган Хундун дастлаб жонсиз нарса, сув офати, дарё бўлгани эсга олинади. Машхур донишманд Лао-цзининг отаси ерга тушган юлдуздан туғилган эмиш. Қадимги ҳинд ривоятларида сувдан олов, кучли ҳароратдан Олтин Тухум, ундан эса оламни яратган Браҳмон пайдо бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади. Браҳмоннинг жони, кўзи, қулоқлари, узори, териси ва оёқ бармоқларидан худосифат одамлар туғилган. Халқ фантастик эртакларида қаҳрамонлар сув, тоғ, дарахт, ой, қуёш, юлдуз, хатто шамолдан туғилади. Ушбу содда, аммо ибтидоий давр одамлари учун реал ҳисобланган тасаввурлар, қарашлар кейинчалик натурфалсафага ўтади. Натурфалсафа эса Бутун, Яхлит, Умум, Мутлақ каби тушунчаларни ва уларга таянган фалсафий-назарий таълимотларни юзага келтиради. Борлиқнинг Яхлитлигини, инсон билан борлиқнинг субстанционал боғлиқлигини бугун фалсафа ҳам такрорлайди ва уларни бир-бирига қарши қўйиш фожиаларга олиб келишини қайд этади. Кейинги асрларда юзага келган глобал экологик инқирозлар инсон билан табиий борлиқ ўртасидаги мураттабликни бузиш натижаси экани энди кўпчиликка аён. Минг афсуски, инсонни, унинг ҳаётий мақсадларини, даркини табиий борлиққа қарши қўйиш анъанаси сақланиб қолмоқда.

Ўсимлик ва дарахтларнинг баҳорда япроқ чиқариши, ҳосилга кириши, кузга келиб япроқларини тўкиши, ҳосилдан қолиши кишиларда ўсимликлар ва дарахтларнинг ўзига хос ҳаёти, жони бор деган фикрларни уйғотган. Масалан, Бирма (Ҳиндиҳитой ярим ороли)да яшовчи карен халқи ҳанузгача буғдойнинг жони, руҳи бор деб билади ва уни паймол қилишни қаттиқ қоралайди. Ҳинд фалсафасида ўзига

хос из қолдирган жайнистлар эса нафақат ўсимликлар, дараҳтлар жонига, руҳига эга, шунингдек ён-атроф, ҳаво кўзга кўринмас жониворларга тўла, уларга озор бермаслик керак деган оламсеварлик ғояларини илгари сурғанлар. То ҳанузгача диний таълимотлар, айниқса астрология маълум бир дараҳтлар (узум, чинор, анжир ва б.)ни илоҳийлаштиради, уларда инсон ҳаётига, соғлиғига ва тақдирига таъсир этувчи хислат, сифат мавжуд деб билади. Демак, илк одамлар ўсимликларни дараҳтларни мифологик образлар, қаҳрамонлар сифатида тасвирлаганида ўзлари учун реал кўринган борлиқдан, унда ҳам жон, руҳ бор деган тасаввурларидан келиб чиққан. Жони, руҳи бор нарса гапириши, мулоқотга киришиши, курашиши, у ёки бу эҳтиёжига эга бўлиши табиий ҳол эди. Аммо, менинг фикримча, айнан ўсимликлар ва дараҳтларнинг баҳорда гуллаши, кузда сўниши одамни ўлиш ва тирилиш, жоннинг вақтинча бошқа бир нарсага ўтиши, одамнинг ҳаётга қайта-қайта келиши ҳақида фикр юритишга ундан.

Қадимги Мисрда осмонда сигирга сифиниш, қадим Юнонда ҳосилдорлик худоси Деметри, ёки шароб худоси Дионисга сифиниш, ўлиш ва қайта тиришлиш ва ш.ўшлар ҳақидаги ривоятлар. Энг машхур мифлардан бири жонларнинг ҳақидаги ривоят (бу ривоят, жумладан, Платон томонидан баён қилинган) жонли олам билан жонсиз оламни айнийлаштириб, бир-биридан фарқ қилинмайди. Шунинг учун ривоятда ҳаётнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масала аниқ қўйилиши мумкин эмас эди. Аникрофи, ривоятларда бу масалани қўйишга мойиллик сезилади, холос. Ҳозиргача ҳам одамлар ривоятлардаги ана шунга ўхшаш ҳаёлий фикрларга ишониб келадилар.

Космология Қадимги Хитойнинг «Ицзин» («Ўзгаришлар китоби») ва Қадимги Ҳиндистоннинг Упанишада (Бриҳадараняка)сида фалсафий-назарий қараш, ҳатто таълимот даражасида талқин этилади. Қадимги Хитой космологиясига мувоғиқ Борлиқ учлик — триграммма (Осмон, ҳаво, Ер; Яратувчи, одам, табиат; Космос, осмоности фарзанди – ҳукмдор, халқ; эркак, аёл, фарзанд ва б.)лардан иборат. Ушбу триграммалар саккизлик — гексограммалар шаклидаги доирани ташкил этади. Доира етуклик, уйғунлик, бирлик тимсолидир. Демак, борлиқдаги барча нарсалар, мавжудотлар ва жонзодлар бир-бирига боғлиқ, ушбу боғлиқлик, доира бузилган заҳоти Космос пастга оғатлар юборади, ерда, кишилар ҳаётида хаос бошланади. Ушбу космологик қарашлар кейинчалик Лао-цзи (даосизм) ва Конфуций (конфуцийлик) таълимотида давом эттирилган, у бутун хитой фалсафасининг назарий меросига айланган.

Эр.авв. XXV-XX асрларга тааллуқли қадимги Ҳинд эпоси “Ригведа”да борлиқни яратган Дъяус ва илонсифат мавжудотлар – асуralар тилга олинади. Кейинчалик мавхум күч Дъяус ўрнига реалроқ Праджанати, илонсифат асуralар ўрнига аниқ кўриниш ва сифатларга эга образлар пайдо бўлади. Социал муҳитда браҳмонлар тъсирининг ошиши билан янги худо — Браҳмон яратилади, ердаги браҳмонлар эса илохийлаштирилади ва ҳукмрон қатламга айлантирилади. Энг муҳими шунда эдики, социал муҳит ўзига зарур маросимларни, институтларни ва дормаларни ишлаб чиқсан, мифлар ҳам уларни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Фалсафий мушоҳадаларга мойил ақл эгалари социал муҳит ўрнатган тартиблар доирасидан чиқишига, гоҳо эса уларни рад қилишга журъят этган. Прометейнинг Зевс тартибларига қарши чиқиши бу ўринда мисол бўлиши мумкин. Мифларда бундай қаҳрамонлар оғир жазоларга ҳукм этилади, демак, мифлар коммунитар ҳаёт тарзини, социал муҳит манфаатларини химоя қиласи. Аслида социал муҳит яратган маросимлар, институтлар, дормалар ҳам одамни социал муҳитга қарамлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Бу билан мифлар тотал бошқаришга мойил социал муҳитни, даркни қўллаб-қувватлаган. Фалсафа, айниқса қадимги юонон фалсафаси ушбу тотал бошқаришнинг адуви сифатида шаклланган. Бу ўринда миф билан фалсафа ўртасидаги фарқлар кўзга ташланади.

Хозирги замон таълим-тарбиясидан фарқли ўлароқ, қадимги замон таълим тизими ахборотларни бериш ва ақлий қобилиятни машқ қилдиришдангина иборат эмас эди. У ҳаёт учун зарур бўлган жисмоний ва руҳий сифатларни тайёрлашни кўзда тутар эди. Шундай қилиб, Юонон фалсафасининг соф ҳақиқатни топишга бўлган йўналишини инкор этмаган ҳолда, шуни қайд этмасдан бўлмайдики, ушбу ҳақиқат аввало, қурилмаган, балки очилган, унга юклатилмаган, балки борлиқдан келтириб чиқарилган, иккинчидан эса, бевосита ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб, уни тушунган субъект қалбини ёритган, унга донишмандлик ато этган, сабру тоқатга чидашни ўргатган, жасорат бағишлиланган ва унинг хатти-ҳаракатини белгилаб берган.

Назарий кўрсатма-қадимги дунё маданиятининг энг муҳим ютуқлардан бири бўлиб, Яқин Шарқ мамлакатлари орқали у Европа маданияти томонидан ўзлаштирилган. Ушбу кўрсатма Фалес ижодидаёқ ўзини қўп даражада намоён қилдики, у фалсафанигина эмас, балки риёзиётни (математика) ҳам назарий-лаштиришни таклиф қиласи. Баъзи бир ҳандасавий (геометрик) аксиомалар ифодаси унга тегишлидир: “томонлари teng бўлган учбурчакнинг асосий бурчаклари бир-бирига tengдир”, “доира ўз диаметрида икки teng бўлакка бўлинади” ва шунга ўхшаш

(ҳаммаси бўлиб бешта аксиома). Шундай туйилиши мумкинки, уларда фақат тажриба ифодаланиб, умумлаштириляпти. Аммо бу шундай эмас: аксиомалар ғоявий объектларга тааллуқли бўлиб, умумий ва зарурӣ жиҳатларга эга бўлганлигидан уларни далил ва мулоҳазалар асоси сифатида фойдаланиш учун қабул қилиш мумкин. Фанларни бундай тарзда тизимга солиш Бобил риёзидонларига маълум эмас эди. Улар кўплаб ҳисоб-китоб формулаларини ишлаб чиқдилар, аммо уларни исбот қилишга уринмадилар.

Ақлий йўналишга таяниш қадимги Юнон адабиётининг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Гомерни одатда эҳтирос ва ғам-ғуссалар дунёсига йўналган фалсафа олди анъанасининг вакили ҳисоблашади: оғриқ ва лаззат, муҳабbat ва нафрат, қўрқинч ва уят – мана нималар банд қилган Гомер хаёлини. Унинг қаҳрамонлари аниқ ва равshan тасвиrlанган бўлиб, уларнинг ташқи қўринишлари ўз икир-чикирларигача, ҳамда ижтимоий бутунлигича ҳам аниқланган. Улар ғоявий макон ҳудудларида ҳаракат қилаётган, қонунийликка мувофиқ тарзда сугорилган ва сабабий боғланишларга эга бўлган йўналган гавдалар сифатида намоён бўладилар. Қадимги дунё қаҳрамонларининг руҳий дунёси ҳам очиқ ва оқилонадир: бирор-бир хатти-ҳаракат қилиш олдидан улар ўз нуқтаи назарларини муфассал муҳокама қилиб, далиллар келтирадилар. Ҳикоячилик важларни ақл тарозисига солади, воқеалар сабаб-оқибат занжирини аниқлайди, сўзларда жисмоний ва руҳий ҳаракатларнинг ҳам тўла ифодасини беради. Бу шундай тарзда бериладики, бунга ўхшаш ҳолат Евклид геометрияси ва Арасту метафизикасида қўрилган эди: келтириб чиқарилаётган қоидаларни аниқ ифодалаш, мантиқий емирилишсиз, батафсил хулоса, тажриба ва соғлом ақлга мувофиқ келадиган пухта далилларга таяниш. Шундай қилиб, юнон адабиёти воқейликнинг асосий мазмунини беради, унинг моҳиятини аниқлаб, уни иккинчи даражали тафсилотлардан тозалайди. Ушбу моҳият фақат ақлий жиҳат билангина тугалланмаслиги бу бошқа масала: қаҳрамонларнинг шаклланиши фақат маърифат билан чекланмасдан, балки хотира, ирода, жасоратни машқ қилдириш ва Коинот қонунларига мувофиқ равишда жамиятни қайта қуриш ва ўз-ўзини тарбиялашнинг амалий кўникмаларини шакллантиришни ҳам ўз ичига олади. Шу билан биргаликда бу ерда ундан олдинги қадимги жамиятларда расм бўлгани сингари ёш йигитларни балоғатга етганлигини аниқлаш учун ўтқазиладиган синовлар йўқ. Гарчи ижтимоий хатти-ҳаракатнинг қатъий меъёрий тизимини ишлаб чиқишига интилиш бўлмаса ҳам, айни вақтда таълим-тарбия ақлий муҳокама шаклида амалга оширилади, яъни билимдон кишилар мажлисида муҳокама этилган устоз ва шогирднинг далиллари эътиборга

олинади. Икки киши ўртасида бўлиб ўтадиган бундай ақлий муҳокама бўлган дискурснинг замини мусобақа ва сайловга асосланган руҳдаги полиснинг демократик тузумидир. Бунга катта билимдон устозлар, ўқувчилар ва билмайдиганларни хўрламасдан, балки ўзларининг иқтидорлари, тажрибалари, оқилона фикрлари билан уларга намуна бўлиб, улар томонидан тан олинишликка интилишлари лозим бўлади.

Кўхна фалсафий матнларни тушуниш, уларнинг маданий замини бўлган тил, миллий ўзига хослик ва ҳаёт шакллари билан боғлиқ бўлган жиҳатларга кўра катта қийинчиликлар туғдиради. Ҳар қандай тарихий давр фақат эришилган билимлар даражаси билангина ифодаланмай, балки фикр тараққиёти йўналишини белгиловчи қадриятлар йўналиши билан ҳам ўз ифодасини топади. Ёзув столи устида амалга оширилган метафизикани далиллар тизими сифатида тушунишга қарши турган М. Хайдеггер уни дунёдаги борлиқ тажрибаси билан боғлайди.

Фалсафий тушунчаларнинг келиб чиқиш маъноси руҳий таркибларда ҳам, “онгизз равищдаги архетипларда” ҳам илдиз отган. Масалан, қандай тажрибавий омиллар ёки назарий далиллар Фалесга барча борлиқнинг биринчи ибтидоси сифатида сувни, Гераклитга эса – оловни олишга туртки бўлганлигини билиш қийин иш. Ваҳоланки, оламнинг ушбу табиий унсурлари барча дунё халқларининг афсоналарида мавжуд. Бу шундан гувоҳлик берадики, улар инсон руҳининг келиб чиқиш тимсолининг тасвирлари бўлиб, ўз навбатида улар фалсафий тушунчалар мазмунида ҳам сакланадилар. Шуни ҳисобга олиш лозимки, метафизиканинг руҳий тажриба мажмуасининг ақлий маданият сифатидаги шаклига икки томонлама таъсири ўз-ўзини англашдан ташқари хотира, ирова, ҳис-туйғу, баҳолаш, эътиқод ва шунга ўхшаш жиҳатларнинг ички руҳий омиллари мажмуаси шаклланишини ҳам ўз ичига олади. Бир томондан, ақл руҳий жазава ва эҳтиросларни назорат ва таҳлил қилувчи восита сифатида майдонга чиқса, иккинчи томондан – у уларни бузишга хавф туғдиради. Ҳали яхши маълум эмаски, худонинг борлигини ақлий равища исботлашга уриниш нимага қўпроқ қўл келдийкин – эътиқодни мустаҳкамлашгами ёки бузишгами?

Асосий фалсафий муаммоларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Ҳақиқат, борлиқ, эзгулик ва гўзаллик ҳақидаги масалалар шундай бир нарсалар туғдирадики, кишини чўчитиб юборади. Фалсафа донишмандлик ва хотиржамлик бағишлоччи ҳаёт санъати бўлмай қолди. Бизнинг ҳозирги замон маданиятимиз камчиликлари айини, ақлни барча борлиқнинг асоси сифатида эълон қилган илк юонон файлласуфларига тўнкаш адолатдан бўлмайди. Ақл ғоясининг

пайдо бўлиши – инсоният тарихида энг муҳим ҳодисадир. Борлик ва йўқликни, ҳақиқат ва фикр дунёсини бир-биридан ажратиш ақлий тажрибани назорат қилиш имкониятини беради. У шунингдек, воқейликдан ижодий хаёлни ажратишга, яширин нарсаларни муҳокамага олиб чиқишига имкон беради. Шайтон, жин, ажина ва сафсатага қарши курашда ақл метафизикаси инсонни табиат асиригидан суғуриб олиб, уни эскирган иллатлар ва хурофотлардан озод қилувчи мутлақ қадриятлар томон бошлайди. Аммо олий нарса қуий нарсани эзмасдан, уни сақлаши лозим. Узоқ вақт юрак ва ақл бир-биридан ажралмаган ҳолда яшадилар, бирининг куч-қуввати ва иккинчисининг ақлий бошқаруви ҳис-туйғу билан безатилган ва айни замонда тартибга солинган ҳаётий дунёни вужудга келтирдики, унда инсон ўзини рӯёбга чиқара олар эди. Бугунги кунда ягона мантиққа ва тизимлиликка йўналтирилган ақл ҳокимиёт дискурсини намоён қилувчи идрокка айланмоқда. У борлиқни бузиб, уни дунёнинг техник манзарасига айлантироқда.

Қадим дунё ва ўрта асрлар фалсафасида ақл бошқарув маркази сифатида майдонга чиқиб, ҳақиқатни аниқлаш масалаларида бош ҳакам эди. Ақл, рух ва тана табақаланган равишда тушунилар эди: тана ҳаракатининг сабаби рух, деб тушунилса, бу ҳаракатни йўналтирувчи ақл ҳисобланар эди. Бироқ, шундай табақалашган намунани аниқ баён қилган Арастуда ҳам ақл инсон ва жамоадан юқори турувчи куч сифатида майдонга чиқиб, борлиқнинг ўз ҳокимиятининг намоёндаси вазифасини бажарадики, унинг тартибига мувофиқ ҳаёт ва маърифатнинг ҳар қандай шакллари ташкил топадилар. Афлотунда эса, борлиқ моҳиятини ақлий тушуниш тарзи билан бир қаторда, назариядан ташқарида турувчи куч борлиги тахмин қилинадики, у инсонни роҳат-фароғатга, энг яхши эросга бошлаб боради. Шунинг учун ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик ҳақидаги масалаларни ягона бутунликка боғлашга уриниш юонон мутафаккирларига хос нарсадир. Коинотга эса ҳамоҳанг товушлар жаранглаётган нафис мутаносиблиқдаги иншоот қиёфаси берилади. Ўз қисмлари бир-бирига мувофиқ ва одилона жойлашганлиги туфайли яхши қурилмага эга бўлган Коинот, ўзининг етук тартибда эканлигидан ўз-ўзини сақлади: унда бир жойдан иккинчисига ўтиш ёки ўзгариш учун сабаб йўқ, негаки унда ҳамма нарса ўз жойида. Фақат етук бўлмаган нарсагина ҳаракат қиласида ва азоб чекади. Шунинг учун инсон Коинотни яхши кўради, унга мансубликка интилади, у етукликка эришишга умид қиласида.

Арасту ўзича осмон гумбази, Ер ҳамда барча ўсимликлар ва жонзотларни сифдирган борлик доираси сифатида табиатни (фюзис) моҳиятини очиб беради. Айнан

ана шу табиий доира, сунъийга қарши ўлароқ (тэхнэ), билим мавзуси (эпистеме) сифатида майдонга чиқиб, пайдо бўлиш ва завол топиш, борлиқнинг бир бутунлиги, айрим олинган ашёларнинг ички моҳияти, биринчи ҳаракатланувчи куч, рух ва шунга ўхшаш масалалар ҳақидаги қарашларни ўртага қўяди. Воқейлик хаёлий ғоялар дунёси ёки мутлақ шифр сифатида эмас, балки мустаҳкам, ўз-ўзини сақланиши учун ташки кучларга эҳтиёжи бўлмаган, ўрганилиши лозим бўлган объектив тартиб сифатида қаралади. Ақл рухга ёки ғоялар салтанатига қараб эмас, балки айнан унгагина қаратилган. Унинг биринчи амали – айрим ашёларни қабул қилиш бўлиб, ундан кейингина ўзининг тафаккур, хотира, ажабланиш, тушунтириш ва шунга ўхшаш механизмларини ишга солади.

Афлотунчилар назарида рух бевосита ўз-ўзини тушунган вақтда, руҳнинг Арастуча талқини қоидаси тананинг ҳиссий тажрибасини, мантикий қонунлар ва категорияларни ҳам ҳисобга олади. Рух ҳақидаги барча мулоҳазалар сабаб-оқибат ва айни замонда мақсадли қаторларда ҳарақат қиласилар. Ақл масаласида Арасту унинг фаол ва фаолиятсиз қисмларини бир-биридан фарқ қиласиди, бу устоз ва шогирд муносабатини эслатади. Ана шу жиҳатдан Стагиритнинг рисолалари Афлотуннинг диалогларидан фарқ қиласиди. Афлотунда ўз-ўзини билиш ҳам, шунингдек ўрганиш ҳам, сұхбат қуриш асосига қўйилган. Арасту асарларида баҳс юритиш унсурлари жонли баҳс сифатида эмас, балки илмий талқин ва объектив нақлу қавл (цитата) ва бошқалар айтган фикрлар ва нұктаи назарларни бир-бирига солишириш сифатида мавжуд. Афтидан, асарларининг ана шундай шакли ўрта аср университетларида ва Шарқ мамлакатларида ғоят даражада машҳур бўлиб кетишига сабаб бўлди.

Тафаккур Арасту томонидан фаол ақлнинг фаолиятсизига нисбатан таъсири сифатида тушунилади. Биринчиси инсонга тааллукли эмас, у ягона ва умумий бўлганлигидан, кимки фикр юритса, барча учун ҳақиқатни ягона тушунишни шарт қилиб қўяди. Стагирит талқинича, инсон ақли ва ҳалоқ бўлиши муқаррар ҳайвон, инсонга алокадор бўлган ақлгина мангудир.

Ақл ҳақидаги бу икки назария ўрта асрлар фалсафасида қайтадан жонлантирилиб, диний эътиқодга боғлиқ равищда ушбу анъана ривожлантирилди. Шу жиҳатдан худони борлигини исбот қилиш билан шуғулланган, эътиқод асослари ва муқаддас Китоб таҳлили билан банд бўлган илоҳиётчилар ақлий йўналиш шаклланишига катта ҳисса қўшдилар. Масалан, В.Оккамнинг христианча табиат фалсафаси ва коинот ҳақидаги қарашлари Коперник ғоялари ва Импето физикасини олдиндан пайқаганлиги ажабланарли эмас.

Худди шу тарзда ўрта аср схоластлари тринитар ва евхарист муаммоларини муҳокамаси чоғида шундай

дискурсни ишлаб чиқдиларки, у кўплаб илмий тушунчаларни пайдо бўлишини белгилаб берди: жавҳар ва ораз муаммоси, бирламчи ва иккиласи сифатлар, имконият ва воқейлик. Булар Янги давр фалсафаси ва илм-фани учун хос тушунчалар бўлиб, айнан схоластикада биринчи марта ўртага қўйилган ва мухокама қилинган эди.

Афлотуннинг рух ҳақидаги қоидаси христианлик учун айниқса яқин эди. Тасодифий эмаски, Августин тан олиб қайд этган эдики, айнан Афлотун асарларини ўқиш уни ягона худо ақидасига, рух эса абадий баҳт-саодат манбаи эканлигига олиб келган эди. Суқрот васиятларига амал қилган ҳолда, у худо ва руҳни тушунишга интилди ва бу билан абадий роҳат-фароғатни қўлга киритмоқчи бўлди. Худо – руҳда яшовчи ҳақиқатдир ва шунинг учун барча куч-кувватлар уни билишга қаратилмоғи лозим. Инсон – бу тана қобиғидаги рух бўлиб, унга кўпроқ ёрдам беришдан қўра, ҳақиқатда унга ҳалал беради. Шунинг учун билиш қоидаси ва айни замонда диний тажриба шундай асосга қурилади: инсон руҳни ўрганишга чуқур киришиб боради, негаки, унда абадий ғоялар мавжуд бўлиб, уларга мувоғиқ равишда худо оламни яратган; бу ғояларни очиқ бўлғанлиги туфайли воқейликнинг қоронғи ва чигал ҳодисаларига кириб боришнинг имкони борки, улар худонинг намоён бўлиши сифатида талқин қилиниб, бу билан христиан дунёқарашининг тимсолларини белгилайди.

REFERENCES

1. Тоғаев Ш. Миллий ғоянинг давлат ва жамият қурилишига доир мазмунини ёритиш масаласи. Ўқув услубий қўлланма.- Т.,2008.
2. Носиров Р.Н., Сирожиддинов Ш.С., Зияутдинова Х.А. Ўрта Осиёлик алломаларнинг фалсафий қарашлари. -Т:2007.
3. Шермуҳамедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. –Т: Фан.2005.
4. Шермуҳамедов С. Инсон фалсафаси. –Т: Фан.2007.
5. Камю А. Бунтующий человек. - М.: 1992.
6. Рассель Б. Мудрость Запада. М. 1998.
7. Сартр Ж.П. Философские пьесы. - М.: 1997.
8. Ясперс К. Всемирная история философии. - М.: 1996.
9. Юнг К. Психологические типы. - М.: 1999.
10. Фромм Э. Иметь или быть. - М.: 1990.
11. Ницше Ф. Сочинения в двух томах. - М.: Мысль, 1990.